



## Ислом Нури

«...»  
 «...»  
 :«...»  
 «...»  
 «...» :«...»  
 «...»

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам озиқ-овқат (дон-дун маҳсулоти) уюми ёнидан ўтиб кетатуриб, қўлларини унинг ичига тикқан эдилар, бармоқлари намликни ҳис қилди. Шунда: – «Бу нимаси, эй дон соҳиби?!», дедилар.

У: – «Ёмғир ёғиб қўйганди, ё Расулуллоҳ», деди.

– «Одамлар кўрадиган қилиб устига чиқариб қўймабсан-да! Ким алдаса, мен(инг умматим)дан эмасдир», дедилар.

«...»  
 «...» :«...»  
 «...»  
 «...»

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бизга қурол кўтарса, у биздан эмас. Ким бизни алдаса, у биздан эмас», дедилар.

«...»  
 «...» :«...»  
 «...»



## Ислом Нури

□□□□ □□□□) □□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□)

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Тамим ад-Дорий розияллоҳу анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дин – насиҳат (холислик)дир» дедилар. «Ким учун, ё Расулуллоҳ?» – деб сўраган эдик, «Аллоҳ учун, Унинг китоби ва Расули учун, муслмонларнинг раҳбарлари ва оммалари учун», деб жавоб бердилар.

### **Шарҳ:**

Муслмонларга нисбатан самимий муносабатда бўлиш вожиб ва у диннинг асосларидан. Олди-сотди ёки бошқа муомалаларда уларни алдаш катта гуноҳлардан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ёмон иллатдан огоҳлантириб, муслмонларни алдаган одам муслмон бўлмаслигини айтганлар.

### **Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:**

1. Муслмонларни алдаш ҳаром ва гуноҳи кабиралардан.
2. Муслмонларга нисбатан холис бўлиш ва уларга яхшилик ишташ вожиб.